Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 3 сентябрь, чоршанба • № 70 (10.948) • Эркин нархда сотилади

ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ МАНГУ НУР СОЧСИН

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Дўстлар!

Барчангизни биз учун энг улуғ, энг азиз айём -- Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қутлуғ олти йиллиги байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Мустақиллик биз учун тарихий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, ҳаётимизни эски ҳукмрон мафкура ва мустабид тузум асоратларидан халос этиш имконини бергани билан қадрлидир.

Мустақиллик тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, бунёдкор халқимизнинг куч-қудратидан, Ўзбекистон аталмиш бетакрор ва саховатли заминнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш учун, муқаддас Ватанимизга бутун борлиғимизни бахш этиш учун, миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши учун шарт-шароит яратгани билан азиздир.

Шу боис буюк аждодларимизнинг, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган кун -- Мустақиллик айёми халқимизнинг энг муборак байрамидир.

Муҳтарам дўстлар!
Азизлар!

Мана ҳаётбахш озодликка эришганимизга ҳам олти йил тўлмоқда. Бу йиллар миллий давлатчилигимизни тиклаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў қозониш даври бўлди.

Бу йиллар янги ҳаётнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини қуриш, халқимизнинг оғирини енгил қилиш мақсадида, эркин ва фаровон турмуш қуриш мақсадида дадил қадамлар қўйиш даври бўлди.

Бу йиллар юртимизда тинчлик ва осудаликни, миллатлараро аҳиллик ва ижтимоий тотувликни, ўзаро меҳру оқибатни қарор топтириш ва Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган бу ноёб неъматларни қадрлаш ва эъзозлаш даври бўлди.

Азиз юртдошлар!

Ютуқларимиз ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин шу билан бирга бугун ечилмаган муаммолар, биз ҳали эришолмаган марралар ҳақида гапириш жоиздир. Ёшу қари фуқароларимизни ҳар томонлама рози қилиш заруратини, бажарган ишларимиздан кўра бажаришимиз керак бўлган юмушларимиз кўпроқ эканини ҳам очиқ тан оламиз.

Инсоннинг эҳтиёж ва манфаатлари чексиздир. Унинг руҳида мавжуд шароитдан қониқмаслик, эртанги кунни янада ёруғ, дунёни янада мукаммал кўриш истаги бор. Аслида ана шу истак ва интилиш жамият тараққиётининг асосидир.

Шунинг учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, 1997 йил — Инсон манфаатлари йили деб эълон қилингани сабаби ҳам, мақсади ҳам ҳар бир юртдошимизнинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашга қаратилгани табиийдир.

Қадрли ватандошлар!

Мустаҳллигимизнинг биринчи йили туғилган фарзандларимиз бу йил мактабга боради. Таъбир жоиз бўлса, ўша йили эккан ниҳолларимиз мевага кира бошлади. Шукурки, ана шу ниҳолни — фарзандларимизни — Истиқлолимизни хатарли йиллардан, оғир синовлардан омон олиб ўтдик.

Ватанимизни, ундаги тинчлик ва осойишталикни ёмон кўзлардан асрай олдик. Энг муҳими, мустақиллик бизнинг ор-номусимизга, фахру ғуруримизга, виждон ва иймонимизга айланди.

Шу йиллар мобайнида она-Ватан тушунчаси, ҳуррият ва демократия ғоялари, истиқлол қадрини англаш туйғулари ватандошларимиз қалбидан теран жой олди. Бугун, мен Ватаним учун, уни озод ва обод этиш учун нима иш қилдим, деган ақида билан яшайдиганларнинг сони, сафи тобора кўпаймоқда.

Инсон руҳи абадий яшайди дейдилар. Бугун шаҳру қишлоқларимиз кундан-кунга гўзаллашмоқда, тараққиётимизнинг омили бўлмиш янги иншоот-корхоналар, муҳташам бинолар, равон йўллар қурилмоқда. Ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналар, жиҳозу ускуналар, истеъмол моллари кўзларимизни қувонтирмоқда. Эртанги фаровон ҳаётимизга ишончимизни кучайтирмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Ўтган олти йил Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўли тўғри эканини тасдиқлади. Буни ҳар кунги ҳаётимизда ҳис этиб турибмиз.

Ўзбекистон дунёга юз очди. Бизни бутун дунё таниди ва эътироф этди. Ўзимиз, ўз қўлимиз билан қурган мустақил давлатчилик пойдевори узра Ўзбекистон деб аталган юксак ва кўркам бино қад кўтармоқда. Унинг илк ғиштини қўйганлардан, келажак авлод истиқболи деб яшаган ва меҳнат қилаётганлардан Яратганимиз ҳам, халқимиз ҳам рози бўлғай, иншоолоҳ.

Азиз юртдошлар!

Мана шу йўлдаги фидокорона саъй-ҳаракатларингиз, самарали, сермазмун меҳнатингиз учун барчангизга, бағри кенг, мард ва танти халқимизга мана шу юксак минбардан туриб таъзим қиламан. Бугунги қутлуғ дамлар, Мустақиллик байрамимиз билан яна бир бор ҳаммангизни муборакбод этаман.

Илоё, мустақиллик дарахтимиз, қураётган, барпо этаётган ягона уйимиз абадий яшасин!

Илоё, Ватанимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўрмоқ бахти барчамизга, ҳаммамизга насиб этсин!

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

Муқаддас Ватанимиз бўйлаб озодлик шамоли эса бошлаганига олти йил тўлди. Шу қисқа вақт мобайнида мустақил мамлакатимизда оламшумул ишлар амалга оширилди. Президент Ислом Каримов ишлаб чиққан, халқимиз томонидан қўллаб-қувватланган тараққиёт йўли, унинг машҳур беш тамойили нақадар ҳаётий экани исботланди. Мамлакатимиз дунё ҳамжамиятига дадил қадамлар билан кириб бориб, ўзига муносиб ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон ва Ўзбек деган ном дунёда мағрур жаранглай бошлади. Бу, табиийки, юртдошларимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.

Айниқса байрам кунлари, шодиёна дамлар фараҳбахш бўлади. Истиқлол шарофати билан ўзгача кўрк ва тароват касб этган шаҳру қишлоқларимиз, кенг ва равон йўллар, гўзал хиёбонлар кўзни қувонтиради.

31 август. Соат 19.30. Пойтахтимизнинг Бош майдони -- Мустақиллик майдони байрамона безатилган. Бу ерда намойиш этилаётган кўргазмалар мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз ҳақида ҳикоя қилади. Сирли эртаклар диёрида гул ва нур, гўзаллик ва нафосат ўзаро баҳслашаётгандек! Ранго-ранг чироқлар улкан саҳнани ёритиб турибди. Барча байрам тантаналари бошланишини кутмоқда.

Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар, Тошкент шаҳри, Тошкентда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари таштриф буюрган.

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кириб келади. Тантана қатнашчилари давлатимиз раҳбарини олқишлар билан кутиб оладилар.

Байрамнинг чорлов мусиқаси янграйди. Бу байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов табрик нутқи сўзлайди. Маросим қатнашчиларини, улар сиймосида бутун Ўзбекистон халқини муборак байрам билан қутлайди.

Ўзбекистон давлат мадҳияси янграйди. Пок ниятимиз, ойдин йўлимиз, ёруғ келажагимиз тимсоли — Ватанимиз байроғи нур оғушида мағрур ҳилпирайди. Дилларни шу кунларга мушарраф бўлганимиздан, асрий орзуларимиз ушалганидан шукроналик, севинч туйғулари эркалайди. Таниқли хонанда Ўлмас Саиджонов ва Зариф Авезов ижро этган қўшиқда ҳам ана шу ҳис-ҳаяжон ифодаланади:

Сен, азиз юрт, ҳуррият — даврон муборакдур сенга,
Ўзбекистон, беғубор осмон муборакдур сенга.

Мамлакатимизда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ хўжалигининг етакчи соҳаларида қарамликдан қутилиш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди! Бир вақтлар хомашё базаси бўлган Ўзбекистон бешолти йил муддатда нефть, ғалла, энергетика мустақиллигига эришди.

Майдонга ўрнатилган улкан электр таблоларда ана шундай ютуқларимиз ҳақидаги лавҳалар намойиш этилади.

Инсон меҳнатини қадрлаш, уни рағбатлантириш ҳам юксалиш омилларидандир. Чунки ўз меҳнати самарасини кўрган, қадрини ҳис этган одам янада илҳом ва ғайрат билан меҳнат қилади. Президент фармонларига кўра байрам арафасида бир гуруҳ ватандошларимиз Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвонига, орден ва медалларга, унвонларга сазовор бўлди...

Саҳнага келажагимиз соҳиблари — шўх-шодон болалар кириб келадилар. Улар ижро этган қўшиқ ва рақсларда қувноқ болалик тараннум этилади. Дарҳақиқат, мамлакатимизда болалик ва оналикни муҳофаза қилиш борасида ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлод келажагимиз пойдеворидир. Мустақиллик йилларида ташкил топган «Соғлом авлод учун», «Улуғбек», «Умид», «Камолат» жамғармалари ёшларимизнинг замонавий билимларни эгаллашига, иқтидорли болаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, уларнинг чет эл-ларда таҳсил олишига кўмаклашиб келмоқда. Айниқса замонавий кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замонавий талаблар даражасига кўтариш долзарб вазифа қилиб белгиланди. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлисимизнинг куни-кеча бўлиб ўтган сессиясида махсус Миллий дастурнинг қабул қилиниши айни муддао бўлди.

1997 йилнинг Президент томонидан мамлакатимизда «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш имконини берди. Биргина мисол. Аҳолини газ, ичимлик сув билан таъминлашда олти йил мобайнида амалга оширилган ишлар ҳажми бутун шўро давридагидан кўпроқ бўлди.

Халқимизнинг осойишта меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиб бериш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш, Ватанни турли ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш ҳар қандай мустақил давлатнинг муқаддас бурчидир. Бизнинг мамлакатимиз жойлашган минтақада, хусусан, Афғонистон ва Тожикистондаги қалтис вазиятни, рўй бериб турган можароларни инобатга олсак, бу вазифанинг нақадар муҳимлиги янада ойдинлашади. Саҳнага кириб келган Ватан посбонлари бу муқаддас ишга доим тайёр эканликларини, ҳарбий-жанговар маҳоратларини мунтазам ошириб бораётганликларини ижро этилган қўшиқ ва лавҳалар воситасида ифода этдилар.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, барча ҳудуд ва минтақалар ривожига катта аҳамият берила бошлади. Вилоят марказлари, шаҳар ва қишлоқларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Чунки барча вилоятлар тенг ривожланганда-гина Ўзбекистон яхлит обод мамлакатга айланади. Рес-

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО МУСИҚА АНЖУМАНИ ЯКУНЛАНДИ

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган ва қадимий Самарқандда бир ҳафта давом этган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ниҳоясига етди.

Самарқанд юраги — Регистон майдони 1 сентябрь куни фестиваль қатнашчилари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, мусиқа ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Бу ерда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Анжуман ғолиблари ва совриндорлари эълон қилинди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур фестивални ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков ҳамда халқаро танлов ҳайъати раиси Харума Кашиба хоним томошабинларнинг олқишлари остида анжуман ғолибларига фестиваль совринларини топширдилар.

Халқаро ҳакамлар ҳайъати озарбойжонлик Симара Имонова санъатини Гранпри — фестивалнинг энг олий мукофотига муносиб деб топди. Биринчи мукофотга Муножат Йўлчиева (Ўзбекистон), Шаину Кхурана (Ҳиндистон), иккинчи мукофотга Хи Ли (Хитой), Шаҳрам Назарий (Эрон), учинчи мукофотга Цогтсайхан (Мўғулистон), А. Саможиков (Россия), Рамазон Стамғозиев (Қозоғистон) сазовор бўлдилар. Ҳакамлар ҳайъатининг махсус совринлари Изро Малаков (АҚШ), Кицу Шигари (Япония), Самира Салох ва чолғу дастасига (Миср) топширилди. Фестиваль ташкилий қўмитасининг махсус мукофотига Туркманистон вакили Парахат Шхимов, ЮНЕСКО махсус совринига кореялик Ли Жун А лойиқ топилди. Шунингдек, фестиваль иштирокчиларига Ўзбекистон республикаси жамоат ташкилотларининг, корхона ва муассасаларининг, Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида қатнашганингиз, муборак ўзбек заминига ташриф буюрганингиз учун сиз, анжуман иштирокчиларига самимий ташаккур билдирди, — деди И. Жўрабеков. — Ўйлаймизки, бу мусиқа байрами иштирокчилар ва санъат ихлосмандлари қалбида ўчмас из қолдирди.

Ҳайъат раиси Харума Кашиба хоним Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга, республика ҳукуматига ҳамда анжуман ташкилотчиларига самимий меҳмондўстлик, хайриҳоҳлик ва яратиб берилган шароит учун фестивалда қатнашган санъаткорлар номидан чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Фестивалнинг расмий ёпилиш маросимида Президентнинг давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, Ё. Жалолов, В. Норов, Ў. Раҳматов, Президентнинг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст, Президент девони ахборот маркази раҳбари С. Ҳакимов, бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, республика маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ олти йиллигини зўр тантана билан нишонлаган мамлакатимизда байрам шодиёналари давом этмоқда. Шундай бўлиши табиий. Чунки, бу йиллар биз учун ғоят қадрлидир. Республикамиз ўтган давр ичида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон жаҳонга юз тутди. Дунё Ўзбекистонни тан олди. Ана шунинг учун ҳам ўтаётган ҳар бир кунимиз тарих саҳифаларидан мустаҳкам жой олди.

Бу сўзлар 31 август куни вилоят ҳокимлигида истиқлолимизнинг олти йиллигига атаб ўтказилган тантанада қайта-қайта тилга олинди.

Йиғилишда вилоятдан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари, вилоят кенгаши депутатлари, бўлим, бошқармалар бошлиқлари, ишлаб чиқариш илғорлари иштирок этдилар.

Йиғилиш қатнашчиларини вилоят ҳокими Эркин Рўзиев улуғ айём билан қутлади.

Ғоят қисқа фурсат — олти йилда амалга оширилган ишлар Ўзбекистоннинг қанчалик катта салоҳиятга эга эканлигини дунёга кўрсатди, деди ўз сўзида вилоят ҳокими. Буларнинг ҳаммаси республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан амалга оширилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат самарасидир. Ўзининг мустаҳкам тамойилларига ва тараққиёт йўлига эга бўлган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар беистесно ҳамма соҳада жадал суръатларда бормоқда.

Эришилаётган муваффақиятларда Тошкент вилоятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўтган йиллар мобайнида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кенг кўламда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Биргина Мустақилликнинг олтинчи йилида юздан ортиқ янги объектлар фойдаланишга топширилди. Уларнинг орасида йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ўрта ва кичик бизнес, қайта ишлаш саноати тармоқлари бор. Айниқса, инсон манфаатлари йилида аҳоли фаровонлигини ошириш, хонадонларни газ, ичимлик сув билан таъминлаш, маданий-маиший хизмат объектларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди.

ҲАР КУНИМИЗ ЎЗИ БИР ТАРИХ

Бундан бир йил муқаддам Тўйтепада республика енгил саноатининг йирик корхонаси — «Кобул-Тўйтепа-текистиль» мажмуаси ишга тушган бўлса, бу йил Янгийўлда Марказий Осиёда ягона замонавий технология билан жиҳозланган пахтани қайта ишлаш заводи қуриб битказилди. Шунингдек, янги иш бошлаган 50га яқин қўшма корхоналар экспортга маҳсулот чиқармоқда.

Оққўрғон ва Ўртачирчиқ туманларидаги янги бозорлар, Бўстонлиқ ва Чиноз туманларидаги янги мактаблар, қатор туманларда буёд этилган ўндан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ана шу ишларнинг бир бўлагидир.

— Инсон ўз меҳнати самараларини кўрса, ўз қадрининг ортиб бораётганлигини ҳис этса, бундан ортиқ бахт йўқ, — деди йиғилишда сўзга чиққан Ўртачирчиқ туманидаги «Ўртасарой» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Муқаддас Холиқова. — Куни кеча республикамиз Президентининг фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Уларнинг орасида вилоятимизнинг 35 нафар вакили бор. Мен ҳам «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотландим. Бизнинг меҳнатимизга мана шундай юқори баҳо берганликлари учун Президентимизга ва ҳукуматимизга барча мукофотланганлар номидан ўз миннатдорчилигимни билдираман. Тошкент вилояти доимо илғорлар сафида бўлган ва бундан кейин ҳам республикамиз тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб бораверади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон манфаати, унинг қадри ҳамма нарсадан буюк. Ана шунинг учун ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар, улкан ўзгаришлар халқимиз учун хизмат қилмоқда. Ўз навбатида келажаги буюклигига ишонган Ўзбекистон халқи ўзининг бутун ғайрат-шижоатини Ватан равнақи йўлида сарфламоқда. Ана шунинг учун ҳам ўтаётган ҳар бир кунимиз улуғ тарихга айланмоқда.

Шу куни байрам қатнашчиларига вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

(Давоми. Боши 1-бетда).

публика раҳбариятининг, биринчи галда Президентимизнинг Тошкент шаҳридаги уйжой қуриш тажрибасини мамлакатимиз бўйлаб ёйиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида ғамхўрлик қилаётгани ҳам ана шу мақсадни кўзлайди.

Бундан ташқари Хоразм ва Зарафшон воҳаси, Фарғона водийси, пойтахт вилояти саноати ўзига хос такрорланмас қирраларига эга. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган санъат усталари, ижрочи ёшлар ижро этган куй ва қўшиқларда, этнографик-фольклор ансамбларининг чиқишларида бой санъатимизнинг ана шу қирралари, ўлкамизнинг ранг-баранг табиат манзаралари намоён бўлди.

Айниқса, мустақиллик тенгдоши — сирдарёлик истеъдодли ёш хонанда Дилшод Каттабеков саҳнага чиққанида, гўё ана шу фарзандимиз ёш, кучга тўлиб бораётган истиқлолимиз рамзидек майдонда қизғин олқишлар янгради.

Ўзбекистонда турли миллат вакиллари осойишта, тинч ва тотув яшаб, мамлакатимизнинг фаровон келажаги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Шуниси қувончлики, улар Ўзбекистонни — ягона хонадонимиз, Туркистонни эса умумий уйимиз, деб биладилар. Бу эса мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик барқарор бўлишига, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Марказий Осиё халқлари маданиятлари ассамблеясининг ташкил этилиши, «Марказий Осиё: интеграция масалалари» журналининг нашр этила бошлагани бу йўлдаги муҳим қадамлар бўлди.

Қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, рус тилларида ижро этилган куй ва қўшиқларда, бадиий лавҳаларда ана шу дўстлик, қардошлик улуғланди.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар, дунёдаги йирик фирма ва компаниялар билан амалий ҳамкорлиги тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда чет эл сармоядорлари учун яратилган қулай ҳуқуқий ва молиявий шарт-шароит хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига хизмат қилаётир. Таъбир жоиз бўлса, Асакада бир-биридан гўзал автомобиллар чиқараётган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, Қоровулбозорда ишга туширилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқдаги компрессор станцияси ва бу каби бошқа корхоналар ана шундай ҳамкорлик самараси, халқлар ўртасидаги дўстликнинг ажойиб тимсолларидир.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган барча хайрли ишларга Президент Ислом Каримов бош-қош бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари халқни ўтиш даврининг оғир синовларидан беталофат олиб ўтишдаги, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини белгилашдаги зукколиги, мустақиллигимизни, Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишдаги қатъияти, ислоҳотларни амалга оширишдаги изчиллиги дунё сиёсатдонлари, йирик давлат ва жамоат арбобларининг эътирофига сазовор бўлди. Хорижий фирма ва компаниялар-нинг, халқаро банк ташкилотларининг Ўзбекистонга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Бу ишонч эса мамлакатимизга хорижий сармояларнинг оқиб келишида асосий омил бўлди

Қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллиги ЮНЕСКОнинг Париждаги Бош қароргоҳида нишонланиши ҳам Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўйи тобора ортиб бораётганидан яна бир далолатдир.

Мустақиллик йилларида, айниқса пойтахтимиз Тошкент қиёфаси ўзгача кўрк ва шукуҳ касб этди. Кенг ва равон кўчалар, сўлим хиёбонлар, шинам уйларнинг қай бирини айтасиз!

Байрам арафасида юртдошларимиз, айниқса кичкинтойларимиз ажойиб совға олди. 22 гектар майдонни эгаллаган янги ҳайвонот боғи қуриб битказилди. «Жар» спорт маркази, Юнусободда чет эллардаги спорт саройларидан қолишмайдиган замонавий, усти ёпиқ теннис корти фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик республикамиз иқтисодий салоҳиятининг ўсиб бориши, маданият ва маънавиятни юксалтириш, тарихий қадриятларни тиклаш, миллий анъаналарни ҳаётга қайтариш имконини бермоқда. Айниқса, кейинги йилларда пойтахтимиз Тошкент, қадимий Самарқанд халқаро илмий ва маданий анжуманлар ўтадиган масканга айланиб қолди. Хусусан, XII Тошкент халқаро кинофестивали ҳам янгича мазмун касб этди. У мафкурадан ҳоли, кино санъаткорларининг ҳақиқий ижодий кўригига айланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан шу кунларда Самарқандда давом этаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади. Унда дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан келган санъат намоёндалари ўз маҳоратини намойиш этмоқда...

Байрам катта мушакбозлик билан якунланди. Камалакранг шуъалалар янада ёруғ кунларимиздан дарак бергандек, кўк гумбазини нурга тўлдирди. Пойтахтимизнинг хиёбон ва кўчаларида, майдонларда, вилоят ва туман марказларида, қишлоқ ва овулларда халқ сайллари, шодиёналар кўтаринки руҳда давом этди.

Байрам тантанасида Республика Олий Мажлиси раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

Аҳмад ХЎЖА, (ЎзА).

ТЎЙТЕПАДА ТЎЙ БЎЛДИ

● РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигининг олти йиллиги туман меҳнаткашлари учун алоҳида қувончли айём бўлди. Чунки, ўртачирчиқликлар истиқлол шодиёнаси билан бирга туман ташкил этилганлигининг 70 йиллигини ҳам кенг нишонладилар.

Туманда мустақиллик йиллари қолдирган излар, таъбир жоиз бўлса, асрга татигулиқдир. Ўтган олти йил ичида туб ўзгаришлар рўй берди. Деҳқончиликка ихтисослашган бу жойда саноат ҳам кескин ривожланди. Халқ манфаати, аҳоли фаровонлиги йўлида катта ишлар амалга оширилди. Қурилишлар кўлами кенгайди.

Қатор жамоа хўжаликлари халқ корпорацияларига, деҳқон-фермерлик уюшмаларига, фермер хўжаликларига айлантирилди. Мустақиллик йиллари барпо этилган хусусий, кичик ва қўшма корхоналар унинг салоҳиятини янада оширди. Вилоятда биринчилардан бўлиб хорижликлар билан бирга ташкил этилган «Бурсель» қўшма корхонаси маҳсулотлари дунё бозоридан жой олди. Жанубий Кореяликлар билан ҳамкорликда бунёд этилган. «АНА—Текстиль» ва «Кобул-Тўйтепа-текстиль» корхоналари пахта хом ашёсидан эркаклар пайпоқлари ва калавани тайёрлаш бўйича сўнгги андозалардаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.

Энг муҳими бу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда. «Кобул-Тўйтепа-текстиль» қўшма корхонасининг имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. 2300 дан ортиқ йигит-қизларни ўз бағрига олган бу корхона республика енгил саноатида инқилобий ўзгаришларни бошлаб берди. Ўртачирчиқ том маънода енгил саноатнинг таянч базасига айланмоқда. Эндиликда туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми салкам уч марта ўсди.

Ўтган йиллар туман қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам юксалишлар даври бўлди. Меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Пахтачилик, шоличиликда илғор тажрибалар жорий этилди. Қишлоқ инфратузилмаси ривож топди. Биргина шу йилнинг ўзида 22,5 километр масофага газ тармоқлари тортилди. Қатор янги қишлоқлар ичимлик суви билан таъминланди. Йўллар қурилди, савдо расталари, умумий овқатланиш шахобчалари қад кўтарди. 89 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш ишлари бажарилди.

Туман спортнинг қатор турлари бўйича вилоятда олдинги ўринларда туради. Аҳолининг маданий турмуш даражаси ҳам ортиб бормоқда.

Тўйтепа шаҳридаги бош майдонда нутқ сўзлаган туман ҳокими Қаюмбой Деҳқонбоев ана шу ютуқлар ҳақида тўхталди.

Шунингдек, қўш байрам соҳибларини вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокими муовини Сайёра Хўжаева, вилоятнинг қатор шаҳар ва туманларидан келган вакиллар ҳам қизғин табриклашдилар. Шу куни Узбекистон теле-радиокомпаниясининг етук санъаткорлари, «Табассум» таҳририяти ижодий гуруҳи, тумандаги бадиий дасталар ҳаваскорлари ўзларининг ажойиб қўшиқлари, театрлаштирилган кўрсатувлари билан томошабинларни хушнуд этдилар.

Тантана чоғида бу йил ғалладан юқори ҳосил олган «Қорасув» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Турғун Орипов «Нексия», «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги жамоаси «Тико», «Роватак» деҳқон-фермерлар уюшмаси «Дамас» енгил автомашиналари билан мукофотландилар.



СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Вилоятимизда байрам шодиёналари

ЎЗИ танлаган йўлдан оғишмай бораётган республикамиз мустақиллигининг олти йиллигини вилоятимиз аҳли юксак уюшқоқлик ва кўтаринки кайфият билан нишонлади. Бу байрам шаҳар ва туманларда катта халқ сайлига айланиб кетди. Айни пайтда айёмимиз ўтган йиллар мобайнида эришилган ютуқлар, иқтисодий ислоҳотлар берган қувончли самараларни намоён этганлиги билан ҳам эътиборга лойиқ бўлди.

ЗАНГИОТА

● ТУМАН меҳнаткашлари республика мустақиллигининг олти йиллигини муносиб кутиб олдилар. Қишлоқларда, корхоналарда, хўжаликларда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунга сўнгги бир йил ичида ишга туширилган ўнлаб савдо, маданий-маиший хизмат объектлари, 2 та янги мактаб ва спорт ўйингоҳларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Маҳаллаларда, қишлоқларда аллақачон бошлаб юборилган байрам тантаналари 1 сентябрь куни туман марказига — Эшонгузар қўрғонига кўчди. Ҳар бир хўжалик, корхона ва муассасалар ўзига хос қилиб безаган байрам дастурхони бош майдонга файз-барака бағишлади. Шу куни ташкил этилган савдо ярмаркалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмалари, айниқса, байрам иштирокчиларини хушнуд этди. Улар байрам дастурхони учун зарур маҳсулотларни арзон нархларда харид қилдилар.

Сўзсиз байрамнинг бош маъракаси салкам бир соат давом этган «Истиқлолинг муборак, Ватан!» деб номланган театрлаштирилган томоша бўлди. Унда республикамизнинг мустақилликкача бўлган оғир кунлари, истиқлолдан кейинги эришилган ажойиб ютуқлар, қутлуғ кунларимиз мазмуни шунчалик таъсирчан қилиб очиб берилдики, уни икки оғиз сўз билан таърифлаш қийин.

— Мана, республикамиз ўз мустақиллигининг олти йиллигини нишонлаяпти, — деди туман «Нуроний» жамғармаси раиси Мирза Аҳмедов. — Биз фахрийлар ана шундай улуғ кунлар насиб этганлигидан ғоятда бахтиёрмиз. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Йиллар ўтган сайин халқимиз мустақилликнинг туб мазмун-моҳиятини янада чуқур ва теран англаб бормоқда. Мамлакатимизда амалга оширилган буюк ўзгаришлар Ўзбекистон қанчалик катта салоҳиятга эга давлат эканлигини намойиш этмоқда. Бу билан ғурурланмай бўладими, ахир!..

Дарҳақиқат, шу куни ким билан суҳбатлашманг, Ватанимиз эришган ютуқлар билан фахрланаётганлигини яширмади.

Зангиотада мустақиллик байрами тантаналари кечгача давом этди. Дадил айтиш мумкинки, айём шодиёналари ҳар бир хонадонга кириб борди. Туман марказида иш бошлаган янги ўйингоҳ, теннис корти ва чўмилиш ҳавзаси унинг кўркига янада кўрк бағишлади.

ЮҚОРИЧИРЧИК

● ТАНТАНАЛИ тадбирларга юқоричирчиқликлар алоҳида тайёргарлик кўришади. Истиқлолимизнинг олти йиллигига ҳозирлик ҳам худди шундай бўлди. Ҳурриятни, буюк инсоний қадриятларни улуғловчи шиорлар туман ҳудудининг энг кўринарли жойларидан ўрин олди. Айёмдан бир неча кун илгариёқ байромона безатилган бинолар пештоқида республикамиз байроқлари хилпирай бошлади. Кўчалар, аҳоли истиқомат жойлари, ҳиёбонлар орасталанди, бош майдон дид билан жиҳозланиб, турли тармоқлар бўйича кўргазмалар уюштирилди.

30 август куни «Дўстлик» ўйингоҳи ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бу масканга ёруғ кунларга етганларидан мамнун бўлиб, Президентимиз, ҳукуматимизга миннатдорчилик билдириб, шукроналар айтиб кириб келган фахрийлар, бутун умрларини ёш авлод тарбиясига бахш этган зиёлилар, заҳматкаш дала меҳнаткашлари, ишчилар, «Камолот» жамғармасига уюшиб оталар анъаналарини давом эттираётган ёшларнинг чеҳраларида қувонч, ифтихор туйғуси чексиз эди.

Карнай, сурнай наволари, оромбахш мусиқа ва қўшиқ садолари шодлик шукуҳини олис-олисларга таратди.

Туман ҳокими иштирокчиларни байрам билан қутлади. Меҳнатда фидойилик кўрсатган, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган хўжаликлар, ишлаб чиқариш илғорлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Бир гуруҳ кишиларга вилоят, туман ҳокимликларининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Бундай мукофотларга сазовор бўлган «Ўзбекистон», «Ийк ота» жамоа хўжаликлари раҳбарлари, пахтакорлар, механизаторлар кўрсатилган эътибор учун республика ҳукуматига, вилоят ва туман ҳокимликларига миннатдорчилик билдирдилар. Мазкур йилда янада жўшқин ғайрат кўрсатиб ишлашга, пилла, ғалла каби пахтадан ҳам баракали ҳосил олишга аҳд қилганликларини изҳор этдилар.

Шу куни туман маданий муассасалари бадиий дасталари созандалари, хушовоз хонандалар, савдо, умумий овқатланиш тармоқлари ходимлари байрам аҳли хизматида бўлишди.

Эртаси кунги тантаналар бош майдонда фахрийларга ош тортиш билан бошланди. Бу жойда ташкил этилган савдо расталарида истиқлол йиллари мобайнида туманда иш бошлаган қўшма корхоналар, цехлар, якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқарган халқ истеъмол буюмлари кенг намойиш қилинди. Туман «Камолот» жамғармаси тайёрлаган театрлаштирилган кўрсатувлар, концертлар сайл иштирокчилари бахри-дилини очди.

БЕКОБОД

● БЕКОБОДДА мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан қатор қувончли воқеалар содир бўлди. Шаҳар акушерлик марказини қайта қуриш ишлари шонли сана арафасида тўла тугалланди. Бу билан ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда яна бир йирик қадам ташланди. Шуни айтиш керакки, оналар ва болалар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳокимлик фаолиятининг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолган. Бунинг учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилмоқда. Ёш бекободликлар соғлом ўсиши учун барча ишлар қилиняпти. Бундан ташқари, шаҳар марказий касалхонаси ҳудудида кенг ҳажмда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Айём арафасида бир қанча янги хусусий дўконлар очилиб, улар шаҳар меҳнаткашларига хизмат кўрсата бошладилар. Шаҳар бозори ҳам қайта қурилди. Натижада бу ерда сотувчилар учун, шунингдек, харидорлар учун ҳам анча қулай шароитлар яратиб берилди.

Байрам тантаналари шаҳарнинг 11-кичик мавзесида эрта тонгдан бошланди. Аҳолига саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш бўйича ярмарка ишлай бошлади. Мактаб бозори ташкил этилди. Санъаткорларнинг чиқишлари ҳам шу ерда бўлди. Улар эрта тонгдан қош қорайгунча байрам шодиёналари иштирокчилари хизматида бўлдилар.

Кечга яқин байрам тантаналари Ю. Гагарин номидаги маданият ва истироҳат боғига кўчди. Бу ерда меҳмонларни кутиб олишга пухта тайёргарлик кўрилди. Кўп сонли аттракционлар, ёшлар дискотекаси ишлади, ошхоналар хизматда бўлди. Қисқаси, шаҳарда байрам кўтаринки руҳ билан ўтди.

ТОШКЕНТ

● ТОШКЕНТ туманида бўлсангиз, бу ерда қисқа вақт ичида марказда, қишлоқларда катта ободончилик ишлари амалга оширилганлигининг гувоҳи бўласиз. Янги-янги гузарлар, савдо, маиший, тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари ва бошқа кўплаб қурилишлар бунёд этилди.

Жумладан, «Тошкент» жамоа хўжалигида замонавий типда қурилган янги ўйингоҳ, Фиёс Умаров номли жамоа хўжалигида қишлоқ шифокорлик тармоғи, «Аъло» хусусий фирмаси хизматидан қишлоқ меҳнаткашлари фойдалана бошладилар. Марказда қурилган теннис корти, спорт комплекси ҳам туман чиройига чирой қўшиб турибди.

— Буларнинг ҳаммаси, — дейди Келес шаҳри марказий ўйингоҳига йиғилганларни байрам билан чин дилдан қутлар экан туман ҳокими Акбарали Йўлчиев, — мустақиллигимизнинг шарофатидир.

Эркин, ҳур, озод ватанда яшай бошлаганлигимиз учун ҳам, биз, ўз имкониятларимизни, кучимизни ишга солиб ана шундай хайрли ишларни амалга ошишига муваффақ бўлмоқдамиз...

Ана шундан сўнг тантаналар авжга чиқди. Ўйингоҳга йиғилганлар, таниқли хонандалар, ҳаваскор ашулачи-ю, рақҳосаларнинг куй ва қўшиқларини мароқ билан эшитдилар, томоша қилдилар.

Айниқса, туман «Камолот» жамғармаси томонидан чиқарилган лотерея ўйини шу ерда, кўпчиликнинг кўз ўнгида ўтказилганлиги ғоят ҳаяжонли бўлди. Лотореядан яхши ният билан сотиб олган жуда кўп тошкентликлар уйларига гилам, поёндоз, магнитофон, соат ва бошқа турли хил қимматбаҳо совғалар билан кириб бордилар.

Шу куни тумандаги футбол жамоаларининг финал учрашувида Абдурахмонов номли жамоа хўжалиги билан тажрибатаъмирлаш заводи футболчилари беллашдилар ва ғоят қизиқарли ўтган бу ўйинда Абдурахмонов номли жамоа хўжалиги футболчилари устун келдилар. Туман биллур соҳиби бўлдилар.

Байрам куни ўйингоҳ атрофидаги кўчаларда турли хил саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи ярмаркалар уюштирилди. Ҳар бир хўжалик ўз дала ва боғларида етиштирилган маҳсулотларнинг сарасини олиб келган эди.

Байрамни зўр шодиёналик ва катта кўтаринки руҳ билан нишонлаган Тошкент туман меҳнаткашлари мустақилликни бундан кейин ҳам амалий меҳнатлари билан мустаҳкамлашга бел боғладилар.

БЎКА

● МУСТАҚИЛЛИК куни арафасида Бўка туманида қатор ажойиб ишлар ва тадбирлар амалга оширилди. Ўйлаймизки, улар туманни ривожлантиришда янги ютуқларга эришиш учун гаров бўлиб хизмат қилади.

Байрамолди тайёргарлик ишларига биринчилардан бўлиб фаол қўшилган ёшлар бокс бўйича мусобақада зўр иштиёқ билан қатнашдилар. У «Бўстон» хўжалигида байрам арафасида бўлиб ўтди. «Нуроний» ва «Камолот» жамғармаларининг маҳаллий бўлинмалари бу беллашувни ўтказишга яқиндан ёрдам бердилар. Бундан ташқари, камолотчилар 20 нафар етим болалар учун совғалар тайёрлашди. Уларга янги ўқув йили олдидан устки кийим-бош, пойабзал беришди.

Шу кунларда Бўка шаҳрида 2 та янги иншоот фойдаланишга топширилди. Маҳаллий усталар учун ихтисослашган ҳунармандлар бозори очилди. Бу ерда миллий амалий ҳунармандчилик буюмлари — тўқилган гиламлар, ёғоч ва металлдан ишланган рўзғор анжомлари ва бошқа маҳсулотлар сотилади. Иккинчи воқеа туман аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқдир. Бу ерда биринчи хусусий стомотологик клиника ўз ишини бошлади.

Албатта, туманнинг барча хўжаликларида ўтказилган халқ сайиллари энг ёрқин воқеалар бўлди. Жойларда ҳаваскорлик дасталари ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан меҳнаткашларни хушнуд қилдилар, оқсоқоллар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Биргина Бўка шаҳридаги бундай маросимларда салкам бир ярим минг киши қатнашди. Улар учун байрам дастурхони ёзилди. Туман ҳокимлиги 11 та хўжалик ва хусусий фирмалар ёрдами билан кам таъминланган ва кўп болали оилаларга турли-туман совға-саломлар улашди ҳамда 2 минг киши учун ош тортди.

АНГРЕН

● ШАҲАРДА мустақиллик куни олдидан кўчаларни, даҳалар ва маҳаллаларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор бердилар. Ҳар бир корхона, ташкилот, ўқув юрти ва маҳалла қўмитаси ўзига бириктирилган ҳудудда шундай ҳайрли ишларни амалга оширди. Масалан, «Камолот» жамғармаси ёшлари ташландиқ ҳолга келиб қолган истироҳат боғида зарбдор меҳнат қилдилар.

Байрам арафасида Наврўз маҳалласида юз ўринли янги чойхона очилди. Самачек маҳалласида эса ўрта мактабнинг биринчи навбати, 6/4 даҳасида чойхона, бозорча ва гузар фойдаланишга топширилди, 5/4 даҳасида эса бозорча очилди.

Ҳозирги вақтда шаҳарда Тошкент — Ўш шоҳ кўчасининг Ангрендан ўтадиган 2,5 километр узунликдаги тармоғида катта ишлар олиб борилмоқда. Ёритгичлар ўрнатиляпти, тўсиқлар қурилмоқда.

Одатдагидек, асосий тантаналар «Кимёгар» ўйингоҳида ҳамда «Ангреннинг 25 йиллиги» маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Байрам дастурида шаҳар маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоалари, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртлари талабалари, болалар, ёшлар спорт мактаблари тарбияланувчилари қатнашдилар.

Шу куни вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам байрам тантаналари шоду-хуррамлик билан ўтди. Мамлакатимиз, вилоятимиз, шаҳар ҳамда туманларда рўй берган улкан ўзгаришлар меҳнаткашлар қалбида чексиз ғурур ва ифтихор уйғотди.

ЎЗГАРИШЛАР СОЛНОМАСИ

МАМЛАКАТИМИЗ катта воқеаларни бошидан кечираяпти. Республикамиз мустақилликка эришганининг олти йиллиги катта тантаналар билан нишонланмоқда. Тарихан қисқа давр ичида амалга оширилган ишлар кенг кўламлилиги, улуғворлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари бизнинг туманимизда ҳам мазмун ва моҳият жиҳатидан ғоят теран ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, кишилар ҳаётига чуқур кириб борган иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатлари одамларни янгича шароитда яшаш ва фикрлашга ўргатди.

Ўтган олти йил мобайнида ана шундай ўзгаришларга асос бўлган асосий воқеалар ҳақида сўрагудек бўлишса, мен аввало Президентимиз Ислом Каримовнинг қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётида туб бурилишлар ясаган фармонлари, иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилганлиги сабабли тадбиркорлик ҳамда мулкни хусусийлаштиришга кенг йўл очилганлигини айтардим. Ана шулар туфайли одамлар эндиликда хусусий мулк эгаси бўлиб, ўз меҳнатининг қадрини, роҳатини кўрмоқда. Бунга кейинги олти йил мобайнида туманимизда юз берган ўзгаришларни мисол тариқасида келтирай. Туман жамоа хўжаликларида шу кунларда деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган 380 кишини ўз таркибига олган 99 та, шу жумладан, 76 та мустақил фермер хўжаликлари иш олиб боряпти. Уларга 967 гектар ер ажратиб берилган. Мулкдорлар бу йил 510 гектар ерда дон етиштириб, туман бўйича энг юқори ҳосил олишга муваффақ бўлишди. Улар ҳозир 287 гектар ерда пахта, 155 гектар ерда шоли ва бошқа экинлар етиштирмоқдалар. «Меҳнатобод» жамоа хўжалигидан Йўлдош Эрматов, «Пахтачи» жамоа хўжалигидан Темур Турғунбоев, Абай номли жамоа хўжалигидан Жахсибек Асилбеков, Беруний номли жамоа хўжалигидан Матқаюм Азимбоев ва бошқа ўнлаб деҳқон-фермерлар хоҳ пахтачилик соҳасида бўлсин, хоҳ ғаллачилик ёки чорвачиликда бўлсин сифатли, арзон ва мўл маҳсулот етиштириш, кўп даромад олишда бошқа фермер хўжаликларига тажриба мактаби ролини ўтамоқдалар. Бундай ишбилармонлар сафи тобора кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. Жамоа хўжаликлари ва туман деҳқон-фермерлар уюшмаси уларга зарур пайтда ёрдам қўлини чўзиб, керакли маслаҳатлар ва моддий ёрдам кўрсатмоқда. Деҳқон-фермер хўжаликлари йил сайин иқтисодий жиҳатдан ривожланиб туман қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда салмоқли ўринни эгаллямоқда.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида яна бир янги йўналиш — ғаллачилик соҳаси ривожланди. Ғалла мустақиллигига эришиш учун олиб борилаётган курашда туманимиз хўжаликлари қандай ҳисса қўшаётганлигини бу йилги ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Туманда 12197 гектар майдонда ғалла етиштирилиб, 27,1 минг тоннадан кўпроқ ҳосил етказиб берилди. Дон етиштириш ва сотиш бўйича йиллик режа анча ошириб бажарилди. Шунингдек, асосий экин — пахта, каноп, шоли, сабзавотдан ҳам юқори ҳосил етиштиришга эришилмоқда. Далаларда пахта йиғимтерими бошланиб кетди. Бу йил 13,5 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,1 центнердан, жами 36,8 минг тонна ҳосил топширишни режалаганмиз. Ишчи кучлари ва техника воситаларидан самарали фойдаланиш ҳисобига октябрь ойи охиригача пахта йиғим-теримини пировардига етказиб, келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик ишларини кўриб қўймоқчимиз.

Иқтисодий ислоҳотлар натижасини яна қуйидаги мисолларда ҳам аниқ кўриш мумкин. Йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш суръати 113 фоиз кўпайди. Бошқача айтганда 101 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич асосан деҳқон-фермер ва хусусий хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларнинг кўпайиб бораётганлиги, жамоа хўжаликларида деҳқонлар билан ўзаро фойдали шартномалар асосида иш юритаётганлиги, моддий манфаатдорлик кучайиб бораётганлиги натижасидир.

Туманда республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қароридан кейин қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Янги иморатлар, корхона ва цехлар, маданий-маиший хизмат кўрсатадиган шохобчалар ишга тушди. Қишлоқларга 20 километрдан кўпроқ масофада газ қувурлари тортилди. Шу йилнинг ўзида 4 километрли ичимлик суви узатиш тармоқлари ишга туширилди. Ободонлаштириш-таъмирлаш ишлари миқдори 11 миллион сўмликни ташкил этди. Айниқса, мактаблар ва соғлиқни сақлаш объектлари тезкорлик билан реконструкция қилинаётганлиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда туб ўзгаришлар бўлаётгани мустақиллик йилларининг самарасидир. Бу йил 10 та ўрта мактабда ўқувчиларга махсус таълим берадиган синфлар очилди. 53 та мактабнинг барчаси сифатли таъмирланиб, янги ўқув йилини бошлади. Қишлоқ даволаш муассасалари фаолияти ҳам қайта ташкил қилинмоқда. Бу соҳада йилнинг ўтган даврида 59 миллион сўм сарфланганлигининг ўзи халқнинг соғлиғини сақлаш учун нақадар катта эътибор берилаётганлигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида туман саноати ҳам сезиларли ривожланди. Айниқса, бу йиллар хусусий кичик корхоналарнинг сони кўпайганлиги, чет эл сармоядорлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор берилаётганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Қўрғонча қишлоғида Покистоннинг СалиЛТД фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона иш бошлади. Ҳозирча бу ерда 60 ишчи ишламоқда. Корхона картон қути ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бундан ташқари Туркиянинг Гулмир дери хусусий фирмаси билан ҳам ҳамкорликда иш олиб бориляпти. «Балиқчи» тажриба хўжалигида эса 500 минг долларлик чет эл сармояси жалб этилиб консерва, аралаш-озуқа цехлари қуриб ишга тушириш юзасидан ҳужжатлар тайёрланди. Туманда тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни кенгайтириш, аҳолини доимий иш билан таъминлаш шу кунлардаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Ишлаб чиқилган дастур бўйича ҳар бир қишлоқда бу соҳада изчиллик билан иш олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида туманимиз иқтисодий соҳада эришган муваффақиятлар салмоқли эканлиги ана шу мисолларда ҳам кўриниб турипти. Энг муҳими, омилкор, тадбиркор, ташаббускор, замон руҳи билан ҳамнафас, ҳар бир масалага эл манфаати нуқтаи назаридан ёндошадиган ходимлар сафи кенгайиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, туб бурилишлар ясаш, асосий тармоқлар бўйича ўсишга эришиш имкониятига эга бўлдик.

Тўғри, ҳали амалга ошириладиган ишлар, йўл қўйилаётган камчиликлар, ҳал этилишини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Биз барча саъй-ҳаракатларни ана шу муаммоларни ҳал этишга, ишда йўл қўйилаётган нуқсонларни тузатишга, аҳолининг яхши яшаши ва фаровонлигини таъминлашга қаратмоқдамиз.

Мамлакатимиз Президенти алоҳида таъкидлаганларидек, кишиларнинг ҳаёти, насибаси бутун экан, иқтисодиётимиз ҳам мустаҳкам бўлаверади. Бунинг нақадар тўғри эканлигини мустақилликка эришилгандан кейин ўтган олти йиллик даврда амалга оширилган ишлар томчида қуёш акс этганидек аниқ-равшан кўрсатиб турибди.

Қамбарали ОМОНОВ,
Қуйичирчиқ тумани ҳокими.

ЯНГИЙЎЛ КУРАНТИ ЖАРАНГЛАДИ





ЭЛИМИЗГА эрк ва саодат бахш этган истиқлолимизнинг олти йиллиги Янгийўл шаҳрида ҳам катта тантанага айланди. Бу айёмга меҳнаткашлар муносиб совғалар билан келганликлари, айниқса, эътиборга лойиқдир. Катта шодиёна тонгги арафасида шаҳар курантининг жаранги биринчи бор янгради.

Сайил қатнашчилари курантни томоша қилишгач, бир-биридан чиройли кўчалар бўйлаб, ҳокимият биноси томон йўл олдилар. Бино олдида тинчлик, омонлик, бахт элчиси бўлган хумо қушига қўйилган ҳайкал очилди. Йиғилганлар ҳайкал муаллифи республика рассомлар уюшмаси аъзоси Бахтиёр Соиповни қутладилар.

Дарҳақиқат, Янгийўлда мустақиллик йиллари ичида баракали ишлар қилинди. Саноат корхоналарида асосий маҳсулотлар билан бирга халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эътибор ортди. Кўплаб кичик корхоналар, хусусийлаштирилган савдо тармоқлари инсон манфаатлари йўлида хизмат қилмоқда.

Шаҳарда кам таъминланганларни, кўп болали оналарни ижтимоий ҳимоялаш ҳокимликнинг диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Бундай ғамхўрлик қутлуғ байрам кунларида янада яққол сезилди. Маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллар ночор оилаларни, беморларни йўқлаш бўйича аниқ тадбирларни амалга оширдилар. Айни пайтда шаҳарнинг қатор истиқомат жойларида дастурхонлар ёзилиб, тантана кенг нишонланди.

Бу сафарги айём санъаткорлар дастури мазмунан бойиганлиги билан ҳам алоҳида таассурот қолдирди. Истиқлолга садоқат, Ватанга, халқимизга меҳр-муҳаббат мавзуидаги қўшиқлар ҳар гўшада баралла янгради.

Суратларда: шаҳар куранти; озодлик тимсоли — Хумо қуши; байрам тантаналаридан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЎЗБЕК ПЕДАГОГИКАСИ ҲАҚИДА

Ўзбек педагогика тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Маънавият ва маърифатнинг бой манбаларини ўз ичига олган бу кўҳна тарих заминида кўплаб нодир қўлёзмалар, турли китоб ва нашрлар юзага келди. Халқимиз миллий анъаналарининг энг муҳим йўналишлари ҳам халқ педагогикаси мазмунини бойитди.

Ана шу кўп асрлик маърифий жараённи ўз ичига олган йирик тадқиқот устида олиб борилган илмий педагогик изланишлар самарали якунланди. Республикамизнинг бир гуруҳ етакчи педагог-олимлари иштирокида босмага тайёрланган йирик асар яқинда босилиб чиқди.

«Ўзбек педагогикаси тарихи» деб номланган бу китоб устида Ўзбекистон педагогик фанлар илмий тадқиқот институтида иш олиб борилди. Институтнинг етакчи олими, педагогика фанлари доктори, профессор Асқар Зуннунов раҳбарлигида амалга оширилган ушбу тадқиқотда ўзбек педагогикасининг энг муҳим йўналишлари пухта ишлаб чиқилди.

«Ўзбек педагогикаси тарихи» «Ўқитувчи» нашриёти томонидан кўп нусхада чоп этилди.

Акбар АЛИЕВ.

СОҲИБКОРЛАР СОВҒАСИ



ҚИБРАЙ туманидаги Ризамат ота Мусамуҳамедов номли жамоа хўжалиги соҳибкорлари Мустақиллик байрами арафасида эл дастурхонига 610 тонна мева етказиб бериб, йиллик режани ошириб бажардилар. Хўжаликда шунингдек, давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш режаси ҳам уддаланди. Бу муваффақиятларда Жамол Жўраев ва Абдужалил Ҳакимов бошлиқ бригадаларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди.

Хўжалик асосан узумчиликка ихтисослашган. Азамат соҳибкорлар яқин кунларда узум узишни ҳам бошлаб юборишмоқчи. Улар боғлардаги ҳосилни чамалаб кўриб, бу йил камида 2500 тонна узум топширамиз, демоқдалар.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деган нақл бор халқимизда. Даромад кўпайгани сари қишлоқда аҳолининг моддий турмуш шароитини яхшилаш имкониятлари ҳам вужудга келяпти. Бу ерда барча маҳаллаларда тоза ичимлик суви, «Зангори олов» тармоқлари тортилган. Бугун-эрта янги ташкил топган Мирсалим ота маҳалласида ҳам 2 километр газ қувури фойдаланишга топширилади. Бунинг учун хўжалик хазинасидан 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Қишлоқ марказидаги гузарда дўкон, маиший хизмат уйи, чойхона ва ошхоналар элга намунали хизмат кўрсатаётир.

— Ижтимоий масалалар ҳамиша диққат-эътиборимизда турибди, — дейди хўжалик раиси Қаҳрамон Алимбеков. — Хўжалигимиз аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишга кўп миқдорда маблағ ажратганмиз. Мустақиллик байрами арафасида қишлоқ аҳолисига 400 минг сўмлик совғасаломлар ва пул мукофотлари тарқатдик. Шу билан бирга қишлоқдаги кам таъминланган оилаларни алоҳида эътиборга олиб, уларга моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Булардан ташқари «Наврўз» хайрия жамғармасига 50 минг сўм, «Нуроний» жамғармасига 25 минг сўм маблағ ўтказдик. Қишлоқдаги 77-мактаб-интернатни, шифохона ва болалар боғчаларини ҳомийликка олганмиз. Фақат мактаб-интернатнинг ўзига яқинда 250 минг сўмлик турли хил жиҳозлар харид қилдик. Ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган йигитларимиз ҳолидан ҳам тез-тез хабар олиб турибмиз.

Ҳозир боғларда мевалар ғарқ пишган. Соҳибкор боғбонларнинг қўлиқўлига тегмайди. Олма, узум, олхўри пешма-пеш териб олиниб, аҳолига етказиб берилмоқда. Республика мустақиллиги байрами кунларида ҳам хўжалик боғларида етиштирилган ширин-шакар мевалар шаҳарликлар дастурхонини безади.

Абдуҳамид ФОЗИЛОВ.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА катта тантана билан нишонланган мустақиллик байрами шодиёналари янги ўқув йилининг бошланишига уланиб кетди. Кеча мактабларда биринчи дарс қўнғироқлари жаранглади. Республика Президенти ва ҳукумати ёш авлодни баркамол вояга етказиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, болаларга янгича билим бериш, мактабларни замонавий ўқув қуроллари билан таъминлаш масаласи доимо эътиборда турибди. Бу йил вилоятимиз шаҳар ва туманлари мактабларининг биринчи синфига борган 55 минг нафар бола республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ўқув қуроллари билан бепул таъминланди.

Истиқлол йиллари ичида мактаблар моддий базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув масканлари бунёд этишга катта аҳамият берилди. Биргина Тошкент вилоятининг ўзида шу йили тўртта ана шундай мактаблар ишга тушди.

Суратда: Тошкентдаги 70-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муборак Мирходиева. У бу йил илк бор жажжи қичкинтойларга алифбодан сабоқ беради.

«Пахта—97»

ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ МАВСУМГА ШАЙ



Мамлакатимизда пахта йиғим-терими ҳар қачонгидан ҳам эрта бошланиб кетди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, далаларда мўлжалдаги миқдорда ҳосил тўпланмоқда. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси тасарруфидаги корхоналар янги ҳосилни узлуксиз қабул қилиб олиш, уни қайта ишлаш ва сақлашга қандай тайёргарлик кўрмоқда. Уюшма раиси Э. Зикриёев шундай ҳикоя қилади:

— Мамлакатимиз пахта етиштириш ва унинг сифати бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу боис, серқуёш ўлкамизда етиштирилган пахтага жаҳон бозорида талаб йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса ҳосилни сифатли қайта ишлашда корхоналаримиз зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун бу йилги мавсумга ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Давлат буюртмаси бўйича республикадаги пахта етиштирувчи хўжаликлар билан қарийб тўрт миллион тонна пахта қабул қилиб олиш тўғрисида шартнома тузилди. Бунинг учун 123 та пахта тозалаш корхонаси, 577 та пахта тайёрлов пункти, 150 мингдан зиёд ғарам майдончалари, 440 та қуритиш-тозалаш цехи ва барча зарур асбоб-ускуналар мавсумга шай ҳолга келтирилди. Ортиқча ҳаражатга йўл қўймаслик мақсадида корхоналар қошида автомобиль-трактор парклари ташкил этилмоқда. Шу мақсадда зарур техника харид қилинди.

Ўзбекистон пахта толасининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида мавжуд саноат корхоналарини 2000 йилгача янги технология билан жиҳозлаш дастури изчил амалга оширилмоқда. Ана шундай корхоналардан бири Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида фойдаланишга топширилди. Бошқа турдош корхоналарга нисбатан мазкур завод электр энергиясини тежаш билан бирга ҳавони ифлослантирмайди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида шу йилнинг август ойига қадар хўжаликлардан қабул қилиб олинадиган ҳосил учун аванс тариқасида 23,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу шартномаларда кўзда тутилган жами пахта ҳосили қийматининг 33 фоизи демакдир. Ҳукумат қарорига мувофиқ машина ҳамда қўлда терилган пахтага тўланадиган ҳақ оширилгани туфайли хўжаликларга яна маблағ ажратилади. Теримчилар билан ҳисоб-китоб ҳар беш кунда ўтказилади. Бу эса деҳқоннинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

КАРОМАТДАН – ШАРОФАТГА

Шайхлар йўлбошчиси, «Жаҳон мулки нигоҳбони» ва бошқа кўплаб табаррук номларга сазовор бўлган Баҳоуддин Муҳаммад ибни Муҳаммад ал-Бухорий — Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф тарихида тутган ўрни алоҳида эътиборга лойиқ.

Хўш, тасаввуфнинг ўзи нима? Тасаввуф кўп қиррали, бир сўз билан жавоб қайтариш осон бўлмаган мураккаб таълимотдир. Тасаввуф Навоий таърифича, софлик, Беруний таъкидича, ҳикматни суюшлик.

Хўш, Нақшбанд таълимотининг моҳияти нималардан иборат? Аввало, бунинг учун Нақшбанд лақаби унга ана шу тариқат — йўлнинг баъзи асосларига таяниб, бошқалар томонидан берилган номлигини айтиб ўтиш жоиз. Зеро, «нақшчи» маъносига тўғри келадиган сўз «нақш» ва «банд» — нақш боғлаш демакдир. Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг моҳияти («Дил Худо учун, қўл эса иш учун» — «Дил ба ёру, даст ба кор») — унингча, Худо бор ва Худо инсон зоти кўриб турган барча нарсаларда яширинган. Ҳаётда содир бўлиб ўтувчи ҳар бир воқеа Худонинг назаридан четда қолмайди. Шунинг учун дилга доимо Худони жо қилиш керак. Айни пайтда, ўз қўл кучи билан ҳалол тирикчилик ўтказиш шарт. Шу тариқа бахтиёр, шод-хуррамликда ҳаёт кечирмоқ лозим.

Баҳоуддин Нақшбанд таркидунёчилик, хилватда яшаш ғояларини қоралаб, дунё лаззатларидан бахраманд бўлмаслик ғояси асоссиз эканлигини дадил ва қўрқмасдан кўтариб чиқди. Аксинча, дунё лаззатларидан бахраманд бўлиб, табиат гўзалликларидан завқ олиб, ҳаётни шодлик ва хуррамликда ўтказиш кераклигини таъкидлади. Шулардан энг асосийси: дилдан Худони чиқармасликни, Худо, ҳаёт ва табиат билан биргаликда яшаш лозимлигини уқтиради. Баҳоуддин Нақшбанд — каромат-лари зоҳир бўлган авлиё. Олдиндан шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг каромат-лари кимларгадир афсонадек туюлиши мумкин. Аммо, ҳар қандай афсонада, авлиёликда гап кўп.

Унинг биринчи каромати шундай зоҳир бўлган экан: Бухорога Самарқанддан уч киши келади. Улардан бири новвой, бошқаси дўкондор, кейингиси баззоз эди. Бир пайт новвойга қазо пайти келганини билган Нақшбанд унинг олдига бориб: «Ё новвой, менга Аллоҳ йўлига нон бер», — деди. Лекин, у нон бермайди. Қазо тобора унга яқинлашмоқда эди. Иккинчи, учинчи марта нон сўраганида у озгина нон беришга мажбур бўлади. Хожа нонни осмонга отиб: «Ё новвой, бу нонни ўзим учун эмас, балки, ўзинг учун тилаган эдим. Ҳаво юзига қарагин», — деди. Новвой осмонга қараса, бир қора булут ерга тушмоқчи бўлиб турган экан. Лекин, бояги бир парча нон ўша қора булутни ерга туширмай, тўсиб турган экан. Шунда Хожа ҳазратлари пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисини ўқиди: «Садақа расулуллоҳи-л-балойан». Шунда новвой ёқасини йиртиб, фарёд айлаб, хожанинг олдига бориб, мурид тушган экан.

Иккинчи кароматнинг зоҳир бўлиши шундай: юқоридаги уч киши ака-укалар экан. Новвой уларнинг энг кенжатойи бўлиб, Хожанинг кароматини акаларига бориб айтибди. «Мен ўзимни ўлганга солай. Мени тобутга қўйиб, Хожанинг олдига олиб боринглар. Агар у менга жаноза ўқиса, тирик одамга нимага жаноза ўқийсан, деб ёқасига ёпишинглар». Ака-укалар шу маслаҳат билан тирик одамни тобутга солиб, хожанинг уйи тўғрисига келиб, тобутни қўйиб уни жаноза ўқишга чақирибдилар. Хожа чиқиб, жаноза ўқибди. Дўкондор: «тирик кишига нимага жаноза ўқийсан», — деб хожанинг ёқасидан олибди. Шунда Хожа: «Эй, нури дийдам, болам, тобутга бориб, ичига қарагин», — дебди. Тобутни очиб, ичига қарасалар, ука ўлиб, суяклари қотиб ётган эмиш. Дўкондор ўзини хожанинг оёқлари остига ташлаб, минг бор узрлар сўраб, энди дуо йўли билан ўликни тирилтириб беришни илтижо қилибди. Хожа ҳазратлари дуо ўқиб, ўликни тирилтирибдилар. Барча жамоа хожанининг ҳақ авлиё эканини билиб, «Хожаулҳаққ ва-д-дин» деб атадилар.

Учинчи машҳур каромат. Бухоро дарёсининг суви камайиб, экинлар яхши битмаган, алқисса, етти йилгача очарчилик бўлган замонлар.

Ҳатто, бир ҳовуч буғдой бир тилла бўлган, ошиқлар ишқни унутган даврлар. Хожа буғдой сотувчи дўкондор қошига бориб, бир ҳовуч буғдойни дастор ва чопонига алмаштириб, сотиб олади. Хожа буғдойни олиб, уйига келади. Унинг Аҳмар исмли бир девонаси бўлиб, иккаласи далага чиқадилар. Хожа ўзини «хўкиз» қилиб, девонасига «Мени қамчи билан уринг, буғдой экамиз», — дейди. Девона Хожани қамчилай бошлади. Хожа ҳазратлари далада югуриб, бояги бир ҳовуч буғдойни ерга сепа бошлади. Хожа ўтган жойлардан буғдой униб, етилиб хирмон тоғдай бўлиб турган эмиш. Хожа «Халқни чақиринг, буғдойдан нафақа олишсин», — дейди. Девона халқни чақириб, уларга буғдой улашибди.

Тақдир тақозоси билан Хожа Баҳоуддин шу куни кечаси оламдан ўтган эканлар.

Энди Ҳазратнинг қуйида оламда яшаш моҳиятининг асосий тўрт шарти ҳақидаги фикрлари устида мухтасар тўхталсак. «Чеккада ўтириб мажлисни қузатмоқ» —

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

(Хилват дар анжуман). Инсоният жамиятида хилватда, инсонлардан алоҳида ажралган ҳолда яшаш мақсадга мувофиқ эмаслигини алоҳида таъкидлаган Нақшбанд инсонлар ўртасида фаол муносабатда, қизғин, фойдали суҳбатда бўлиш лозимлигини уқтиради. Инчунин, кўпчилик ўртасида яшагандан кейин, ҳеч кимга қарам бўлмаслик керак. Бунинг учун дилга Худони жо қилиб, деҳқончилик орқасидан қун кечиришган. Ҳаром ва миннатли нарсалардан доимо ўзларини тийганлар. Бир сўз билан айтганда, улар фақирликдан ҳузур-ҳаловат олганлар.

Биринчи шартнинг мантиқий давоми бўлган «Ватандан сафар қилмоқ» — («Сафар дар Ватан»)дир. Нақшбанд таъкидича, инсон доимо ҳаракатда бўлиши, бир ерда муқим турмаслиги, сафарларда, сайру саёҳатда бўлиб, табиат гўзалликларидан бахраманд бўлмоғи керак. Инсон ўзи яшаётган дунёни, унинг бойликлари-ю, гўзалликларининг қадрига етмоғи лозим. Бу дунё ғамхона эмас, умрни шод-хуррамликда ўтказиш жоиз, акс ҳолда бу Худо олдида нонкўрликдан бошқа нарса эмас.

Шунинг учун «Ҳар қадамни ўйлаб босмоқ» («Назар дар қадам») керакдир. Бу ўгитда катта маъно бор. Зеро, инсон ҳаётга келар экан, бу умрни мазмунли ва мароқли ўтказиши, бу ҳаётдан бошқаларга заррача ёмонликлар етмаслиги шарт. Бунинг учун инсонда масъуллик ҳисси кучли бўлиши, ҳар бир қадам эзгулик сари босилиши нур устига аъло нур. Мабодо инсон назари ўткир ва кенг қамровли бўлса, ҳар бир қадамини ўйлаб босади.

Баҳоуддин Нақшбанд мазҳабининг тўртинчи шарти «Ҳар дамни хуш ўтказиш» («Хуш дар дам»)дир. Бу ғояда инсон зотини комилликда кўриш, кишилик ҳаётини эъзозлаш олдинги ўринда туради. Зотан, олам гўзалликларга, ноз-неъматларга, шодликларга бойдир. Ана шуларнинг барчаси комил инсон учундир. У ҳар дамни ғаниматбилиб, табиат ато этган лаззатлардан бебаҳра қолмаслиги керак. Бироқ, инсон ўз табиатига зид бўлган иллатлардан фориғ бўлмоғи, бош тортмоғи лозим. У ақл-заковатини ишга солиб, сиҳат-саломатлиги учун нимаики зид бўлса, ўша иллатлардан қутулмоғи дуруст. Бўлмасаки, инсон нафсини тийиши, мол-дунёга ҳирс қўймаслиги ҳам керак.

Нақшбанд мазҳабининг ана шу тўрт шартини тўла адо этган инсон Навоий таърифи билан айтганда, «рубъи маскун» асосида ер юзида улуғ давлатга эришади. Зеро, Алишер Навоий пири Абдурахмон Жомий орқали расмий равишда нақшбандийлик мазҳабига кирган. Жомий эса нақшбандийлик тариқатининг буюк вакили сифатида шуҳрат топган ва пирлик мавқеига эришган.

Шарқ мамлакатларида Юсуф Ҳамадоний, Ҳазрати Ғайсул Аъзам, Саййид Абдулқодир Гилоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Убайдулло Аҳрор, Хожа Исмоил ал Бухорий, Муҳаммад Мусо ат Термизий каби алломалар қаторида Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ҳур фикрлиликнинг асосчиси ва тарғиботчиларидандир. У ҳижрий 718 (милодий 1318) йили Бухоро атрофидаги Қасри Орифон қишлоғида туғилди.

Уч кунлик чақалоқлик қунида Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий томонидан маънавий фарзандликка қабул қилинди. Болани тасаввуф йўлида доимий тарбия қилиб боришни эса у Саййид Амир Кулолга топширди. Етти ёшга етганида Қуръони Каримни тўлиқ ёд олиб бўлган эди. Ёшлик чоғларидаёқ, у олдига келаётганларни бир қарашда жойида тўхтатиб қўяр, булутларга боқиб, уларнинг парвоз йўлларини ўзгартириб юборар эди. 11 ёшга етганда кўплаб билимлар эгаси бўлиш билан бир қаторда, у Аҳмад Яссавий, Шайх Азизон-Рометоний ва бошқа алломаларнинг асарларини ўқиб ўрганди. 17 ёшида тушида Ҳизр алайҳиссаломни кўрди.

Шайх Азизоннинг қулоҳини кийиб, дуолар ўқиганида касал одамлар шифо топдилар. Энди унда валийлик сифатлари кўрина бошлади. Муқаддас руҳлар билан алоқалари кучайди. Турли кароматлар, мўъжизалар кўрсата бошлади. Халқ ўртасида иззати ортиб, шогирдлари кўпая бошлади. Кейинчалик уч йил — сафар саёҳат қилиб, муқаддас Ҳажга борди. Бу даврларда у дунёнинг кўплаб мамлакатларини пиёда кезиб, турли кутубхоналардаги китоблар, қўлёзмалар билан танишиб, тасаввуфга оид ўз билимларини янада бойитди.

Нақшбанд умри давомида уч марта Ҳажга сафар қилган. Шундай сафарлардан бирида у Сарахсда эканлигида Ҳирот ноиби Нақшбандни асҳоблар мажлисига таклиф этади. Мажлисда олимлару фозиллар ҳозир эдилар. Суҳбатдан сўнгги меҳмондорчилик вақтида Хожа ҳазратлари фақат чой ичиб, таомларга қўл тегизмай ўтирардилар. Бунинг боисини сўраганларида: «Биз оддий фуқаро ва дарвешларга бундоқ тансиқ ва ноёб таомлар емак матлуб эмасдур. Ҳалойиқ ўйламасмуки, шайхимиз замонасозлик қилиб, бу дунёга кўнгил берганлар ила бир табақадин таом ейдур деб?».

Кунлардан бир кун кечаси Нақшбанд ғайб оламига кириб, Бухорои шариф атрофидаги азиз авлиёларнинг мозорларини айланиб юрган чоғида, ғайб аҳлари билан ғойибона учрашув юз беради. Шу кеча унинг кўзига азиз авлиёларнинг пирларидан бири Абдулхолиқ Ғиждувоний шогирдлари даврасида намоён бўлади. Ул зот шу кеча Нақшбандга илми ғайб сирларини ўргатиб, сўфийлар зикрининг «аввали, ўртаси, охири» қандай бўлишини тушунтиради. Ўша кундан бошлаб Нақшбанд ва унинг шогирдлари зикри хилватга амал қила бошладилар.

Манбаларда битилишича, Нақшбанд умрининг интиҳоси яқинлашаётганини сезиб Бухородаги карвонсаройлардан бирига кўнади. Жони узилаётган лаҳзада у жойнамоз устида фотиҳага қўл очиб, узоқ ўтириб қолади. Шу тариқа унинг руҳи фоний дунёдан бокий дунёга кўчади. Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» номли асарида: «Алар етти юз тўқсон бирда (милодий-1391), робиу-л-аввал ойининг учида душанба кечаси (73 ёшда) оламдан ўтубдурлар», — деб Нақшбанд вафоти йилини ёзиб қолдирган.

Мана орадан бир неча аср ўтишига қарамай, Нақшбанд таълимоти ўзининг умрбоқийлиги билан қалбларга зиё сочиб келмоқда. Бу зиё бундан кейин ҳам мустақил республикамиз узра таралаверади.

ҲАБИБ ВАЛИЗОДА.



ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

Гемотеген, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод учун зарур дармондори ҳисобланади. У гўдакларда қонни кўпайтириш ва яхшилашга ёрдам беради. Уларнинг саломатлиги учун асқотадиган бундай маҳсулот илгари Россиядан келтирилар ва дорихоналар пештахтасида ётиб қолмасди. Лекин анъанавий алоқалар узилганидан кейин бундай муҳим маҳсулот келмай қолди. Эҳтиёж эса ўсиб борар эди. Шунинг учун уни ишлаб чиқаришни бевосита маҳаллий шароитда йўлга қўйиш лозим эди. Бундай хайрли ишга Янгийўл шаҳридаги маъсулияти чекланган оилавий «Зукко» корхонаси биринчи бўлиб қўл урди. Бунинг учун мавжуд бино мослаштирилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур техника воситалари Белоруссиядан келтирилди. Ўрта Осиёда ягона бўлган бу корхона ўзининг дастлабки маҳсулотини буюртмачиларга етказа бошлади. Бу ерда бир сменада 20 минг дона гемотеген ишлаб чиқарилмоқда. Бир йилда эса 10-12 миллионта шундай махсулот тайёрланади. Талаб бўлса унинг хажмини 2-2,5 баравар ошириш мумкин. Ҳозирги кунда корхонада 22 ишчи меҳнат қилмоқда. Суратларда: корхона биносининг умумий кўриниши (пастда); лаборатория бошлиғи А. Ибрагимова (чапдан), ишчи А. Хатамова ва уста Р. Хусанбоева ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.



ҲАР ИШГА ҚОДИР ЁШЛАР

«Камолот» жамғармаси Чиноз тумани бўлимининг ташаббуси билан ташкил этилган «КВАН» кичик корхонаси тумандаги ташкилотларнинг буюртмасига биноан, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширмоқда. Бу кичик корхона ихтиёрида монтажчи, ғишт терувчи, электр ва сантехника бўйича мутахассислар бор. Шунингдек, туман «Камолот» жамғармасига қарашли «Ғишт заводи» ҳам дастлабки маҳсулотларини истеъмолчиларга тақдим этди. Бу хайрли иш натижаси ўлароқ, 69 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. «Камолот» жамғармасининг эзгу ишлари шу билангина чекланиб қолаётгани йўқ. 240 нафар ёшлар ғалла ўрим-йиғими мавсумида ҳам фаол қатнашдилар. Жамғарма раиси Эргаш Тошматов ташаббуси билан бу йил «Камолот» бригадаси ташкил этилди. Турли соҳа ёшларини ўз сафида бирлаштирган бу жамоа аъзолари тумандаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги пахта далаларида етиштирилган ҳосилни йиғиб териб олишда яқиндан ёрдам берадилар. Тумандаги ёшлар ижодий марказининг бадиий раҳбари Бахтиёр Маҳкамов ҳамда услубчи Шокиржон Ҳамроқуловлар бошчилигида концерт бригадаси ташкил этилди. Бу гуруҳ аъзолари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан пахтакорларга хизмат кўрсатадилар.

Жўра МАҲМУДОВ.

ЭЛГА ОШ ТОРТИЛДИ

Зангиота туманининг Навоий жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам республикамиз мустақиллигининг олти йиллиги байрамини муносиб меҳнат ютуқлари билан қарши олди. Улар шаҳарликлар дастурхонига мўл-кўл ноз-неъматлар етиштириб беришди. Хўжаликда байрам қўшалоқ тантанага айланди. Ундан зиёд оила янги уй-жойларга кўчиб кирди.

Куни кеча бу ерда Мустақиллик куни ҳамда хўжалик ташкил топганлигининг 65 йиллигига бағишланган катта шодиёна ўтказилди. Элга ош тортилди. Меҳнат фахрийлари ва илғорлар совғалар билан тақдирландилар.

Абдужамол БАРАТОВ.

Об-ҳаво
ҲАРОРАТ ПАСАЯДИ

1-4 сентябрь оралиғида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Тоғли туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечалари 14-19, кундуз кунлари 30-38 даража атрофида бўлади. Ҳафта охирларига бориб, ҳаво тафти кўтарилади. Ҳарорат 33-39 даражани ташкил этади...

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ ОЛДИДАН

МАВҚЕИ ТОБОРА ОРТМОҚДА

Ўзбекистон Президенти кубоги учун теннис бўйича ўтказилаётган халқаро турнирнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бу сафарги ана шундай анъанавий мусобақада АҚШ, Испания, Швецария, Руминия, Чехия, Россия ва бошқа бир қатор чет эл мамлакатларининг жаҳонга танилган теннисчилари қатнашиш истагида эканликларининг ўзи унинг халқаро миқёсда тобора оммалашиб бораётганидан далолатдир.

Хусусан халқаро профессионал теннисчилар рейтингида учинчи ўринни эгаллаб турган россиялик Евгений Кафелников ва тўртинчи ракеткачи ҳисобланган испаниялик Алекс Корречанинг ушбу турнирда қатнашиш нияти борлиги мухлисларни ниҳоятда хушнуд этди.

«Юнусобод» теннис мажмуида замонавий усти ёпиқ кортнинг қурилиши ҳам ушбу спорт мухлислари учун ажойиб совға бўлди. Турнирнинг саралаш учрашувлари 6 сентябрдан бошланади. Асосий беллашувлар эса 8 сентябрга белгиланган.

Ғолиблар учун 405 минг АҚШ доллари миқёсида мукофот таъсис этилган. Ана шунинг 58 минг долларини ғолиб қўлга киритади. Финалчи, яъни иккинчи ўринда қолган теннисчи 34 минг доллар билан тақдирланади.

Гимнастика

ЛОЗАННАДА ҲАМ ОМАД ТИЛАЙМИЗ

ШВЕЦАРИЯНИНГ Лозанна шаҳрида гимнастика бўйича жаҳон биринчилиги мусобақалари бошланди. Унда Ўзбекистон спорт шарафини беш қиз — Анастасия Дэюндзяк, Светлана Бахриддинова, Александра Гордеева, Бўтакўз Боятанова, Саида Бобоева ва йигитлар Элдор Валеев билан Андрей Маркеловлар ҳимоя қилишмоқда.

Уларнинг барчаси яқиндагина Истамбулда «Босфор кубоги» турнирида иштирок этиб, катта зафар қучган эдилар. Гимнастикачиларимиз 5 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза медаллари билан тақдирланишганди. Биргина Светлана Бахриддинова таяниб сакраш, эркин машқ ва кўп курашда 3 та олтин медални қўлга киритди. Жаҳон биринчилигида спортчиларимизга ана шундай омад тилаймиз.

Футбол

ИККИ ЎРИНГА УЧ ДАЪВОГАР

КЕЛАСИ ЙИЛ олий табақада қатнашиш ҳуқуқини берадиган иккита йўлланма учун уч жамоа даъвогарлик қилмоқда.

Ягона пешқадам бўлган Кўқоннинг «Темирйўлчи» футболчилари рақибларига қараганда анча кучли эканликлари сезилмоқда. Вилоятимиз вакили «Металлург» ва Тошкентнинг «Истиқлол» жамоалари ҳам йўлланма учун даъвогар ҳисобланишади. Мутахассис ва мухлисларнинг тахминларича ана шу уч жамоа ўртасида иккита йўлланма учун кураш боради. Тўртинчи ва ундан кейинги ўринларда бораётган жамоаларнинг имкониятлари жуда паст деб баҳоланмоқда.

Эртага биринчи табақа жамоалари навбатдаги тур учрашувларини ўтказади. Мазкур табақа қатнашчиларининг бугунгача бўлган турнир жадвалидаги аҳволлари қуйидагича:

	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т-Н.	О.
«Темирйўлчи»	26	19	3	4	64—22	60
«Металлург»	27	17	3	7	61—31	54
«Истиқлол»	27	16	6	5	57—30	54
«Шўрчи»	27	13	6	8	43—36	45
«Гулистон»	27	14	2	11	57—30	44
«Машъал»	26	13	5	8	49—38	44
«Лочин»	27	14	1	12	54—56	43
«Шаҳрихон»	26	12	6	8	42—30	42
«Кимёгар»	27	12	6	9	40—31	42
«Қизилқум»	27	17	6	9	32—26	42
«Тўқимачи»	27	12	3	12	50—51	39
«Шўртон»	27	11	5	11	37—39	39
«Хива»	27	12	2	13	43—37	38
«Роҳат»	27	11	5	11	44—40	38
«Боғдод»	26	11	4	11	35—40	37
«Норин»	27	10	4	12	35—38	34
«Орол»	27	10	4	13	38—44	34
«Бўкалик»	27	10	3	14	41—52	33
«Ситора»	27	9	2	16	48—65	29
«Дўстлик»	26	5	7	14	27—60	22
«Зафар»	26	6	3	18	34—64	21
«Пахтаобод»	26	1	2	23	20—80	5

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТАБИИЙ ГАЗ БИЛАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ

ДИҚҚАТИГА!

1 август 1997 йилдан бошлаб

АҲОЛИ УЧУН ТАБИИЙ ГАЗГА ТЎЛАНИЛАДИГАН НАРХЛАР ҚУЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАНГАН:

— Газ плиталари ва таом пишириш газ ускуналари ўрнатилган (доимий марказлашган иссиқ сув манбаи билан таъминланган) хонадонларда бир ойга бир киши учун газга тўланадиган ҳақ — **12 сўм 57 тийин.**

— Газ плиталари ва таом пишириш газ ускуналари ўрнатилган (доимий марказлашган иссиқ сув манбаи билан таъминланган) хонадонларда бир ойга бир киши учун газга тўланадиган ҳақ — **17 сўм 49 тийин.**

— Иссиқ сув билан таъминланиш учун газ сув иситгичлари барча (доимий марказлашган иссиқ сув манбаи ёки вақтивақти билан ишловчи иссиқ сув манбаи бўлмаган) хонадонларда бир киши учун бир ойга газга тўланадиган ҳақ — **12 сўм 57 тийин.**

Хусусий хонадонларни иситиш учун сув иситиш газ асбоби турига боғлиқ бўлмаган ҳолда 1 йилда 5 ой иситиш мавсумида 1 м² иситиладиган юза учун газга тўланадиган ҳақ — **4 сўм 10 тийин.**

УЙ ҲАЙВОНЛАРИГА ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШ ВА САНИТАРИЯ ҲОЛАТИ СУВ ИСИТИШГА КЕТАДИГАН ГАЗГА ТЎЛАНАДИГАН ҲАҚ:

БИР БОШ ОТ УЧУН — **7 сўм 83 тийин,**
БИР БОШ ҚОРА МОЛ УЧУН — **33 сўм 12 тийин,**
БИР БОШ ЧЎЧҚА УЧУН — **17 сўм 49 тийин,**
БИР БОШ ҚЎЙ (эчки) УЧУН — **3 сўм 09 тийин.**
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ГАЗ ҲИСОБДОНЛАРИ ЎРНАТИЛГАН ХОНАДОНЛАР УЧУН ТАБИИЙ ГАЗ НАРХИ ҚУЙИДАГИЧА:
10 М³ ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН — **13 сўм 98 тийин.**

ҲАММАНГИЗДАН!

Сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлашни илтимос қиламиз. Ўзгарган иситиладиган юза, одам ва уй ҳайвонлари сони ҳақида туман-газ ёки шаҳар-газ идорасига ўз вақтида маълумот беришингизни сўраймиз.

Газдан самарали фойдаланиш ва унга ҳақ тўлаш мақсадида тезроқ газ ҳисобдонларини ўрнатишингизни тавсия этамиз.

СИЗ ТАБИИЙ ВА СУЮҚ ГАЗГА ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ҚАРАЙСИЗ ДЕГАН УМИДДАМИЗ.

«ТОШВИЛОЯТГАЗ» БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0581. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 9.601 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4 5 6